

Хабар

25
(1031)-son

22-iyun


www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

NISHONDORLARIMIZ



Онлайн танлов:

Парламентаризм билимдони

Истиклол йилларида мамлакатимизда демократик ислохларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда жамиятни модернизация қилиш жараёнлари, ўз навбатида, тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни ҳаётга изчил татбиқ этиш имконини бермоқда. Эришилаётган натижалар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Хусусан, мустақилликнинг илк йилларидаёқ ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, келажакнинг муносиб ворислари бўлиб улғайишлари учун яратиб берилган замонавий шарт-шароитлар глобал миқёсда тан олинаётгани барчамизни қувонтиради. Президентимиз 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида "Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қирипти. Мен

бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман", дея таъкидлаганди. Бу сўзларнинг мазмун-моҳиятида навқирон авлодга нисбатан юксак меҳр, ишонч ва эътибор ёрқин ифодасини топган, десак ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Шуларга уйғун тарзда бугун диёримиз ёшлари илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан бемалол тиллашаётгани, улардан билим олиш жараёнларида унумли фойдаланишга эътиборга моликдир. Зеро, бугунги ҳаётимизни АКТСиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, фан-техниканинг ушбу ютуғи, чунончи, интернет барча соҳаларда муваффақиятга эришишнинг муҳим омилига айланиб улгурди. Ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятни юксалтириш жабҳасида ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш кўзланган қўрсаткичларни қўлга киритишда катта аҳамиятга эга.

2-бет

Интилган муродига етади

Инсон шундай мукамал яратилган зотки, унинг қалби юзи ва кўзларида акс этиб туради. Шунинг учун ҳам кўнгли тоза, губорсиз инсонларнинг юзларида самимият порлайди, кўзларида табассум жилва қилади. Бундай инсонлар бошқаларга фақат яхшилик тилайдилар ва ўзлари ҳам шижоатли меҳнатлари сабаб яхшиликка бурканиб яшайдилар. "UNICON.UZ" давлат унитар корхонаси криптография илмий-тадқиқот бўлими етакчи илмий ходими Маҳмуда НАЗАРОВА билан суҳбатлашиб ўтирар эканман, ҳаёлимдан ана шу фикрлар кечди.



5-бет

Сўнги янгилик!

Жаҳон суперкомпьютерлар рейтингда ўзгариш: 2012 йилнинг июн ойидан эътиборан IBM Sequoia 500га энг қудратли ҳисоблаш машинаси орасида етакчи бўлиб олди.

АҚШнинг Лоуренс Ливермор Миллий лабораториясига ўрнатилган мазкур компьютер тизими бир сония (петафлопс) - да 16,32 квадриллион амалиёт бажариб, японларнинг K Computer тизимини (10,51 петафлопс)ни орда қолдирди.

Sequoia 1 572 864 процессор ядроси ва 1,6 петабайт амалиёт хотирасига эга.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Ахборот-коммуникация технологиялари фаол қўлланмоқда	2
■ "Матбуот" дўкони сотувчиси. У қандай бўлиши керак?	3
■ Продолжается развитие новых видов услуг в почтовой отрасли на базе ИКТ	6
■ Ёшлар учун эшиklar очик	11
■ Тарихий хотира ва маънавий тараққиёт	13
■ Лимон дардга давоми?	16

Теледастурлар, спорт, кроссворд

Jumadan umagacha

Шу йил 15 июн куни Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари тавсиясига кўра, 2011 йил декабр ойдан буён Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Нормўмин Омонович Чорнев вилоят ҳокими этиб сайланди.

Жорий йилнинг 19 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорини қабул қилинди. 20 июн куни байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимиз Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йилги ва 2012 йил биринчи чорагидаги ижроси бўйича ҳисоботларини кўриб чиқдилар. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазир Р.Азимов маъруза қилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида қишлоқ жойларида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясининг Наманган вилояти бўлини маси глобал тармоқда ўз сайтини ишга туширди. Ундан худдининг туризм салоҳиятини кенг оммага етказишга мўлжалланган рус ва инглиз тилидаги муҳим маълумотлар ўрин олган.

Яқинда Сингапурда чоп этиладиган оммабон нашрларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган қатор суратли мақолалар эълон қилинди. Хусусан, "Sports & Travel" журнали ва сайёҳлик масалаларини ёритишга ихтисослаштирилган "Asian Geographic" журнали ўз ўқувчиларини юртимизнинг беқиёс табияти, бой тарихий-маданий ва маънавий мероси, шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги билан таништирди.

Ахборот-коммуникация технологиялари фаол қўлланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида ушбу мавзуга бағишланган навбатдаги йиллиқ бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижросига доир ахбороти тингланди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, таълим жараёнига кенг таъбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунда белгиланган асосий вазифалардан бирidir. Зеро, замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш ўқувчиларга билим бериш сифатини ошириш ва унинг мазмун-моҳиятини тақомиллаштириш, таълимни замонавий талаблар даражасида ташкил

этиш, умумтаълим фанлари ҳамда касб-хунар йўналишлари бўйича ахборотни бойитиш ва янгилашда муҳим ўрин тутди.

Тадбирда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида гапирди. Ахборотлаштириш дастурларига мувофиқ, ўқув муассасаларини компютер техникаси билан жиҳозлаш, уларни интернет ҳамда "ZiyoNET" таълим тармоғига улаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Масалан, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиздаги 2154 умумтаълим мактаби, 376 коллеж ва лицей, 280 ахборот-ресурс маркази замонавий компютер синфлари билан таъминланди ҳамда мультимедиа технологиялари билан жиҳозланди. Таълим муассасаларини оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезлик билан ишлайдиган ягона корпоратив тармоқда бирлаштиридан Миллий электрон таълим тармоғини яратиш лойиҳаси амалга оширилди. Шунинг-



дек, ўқитувчиларнинг компютер саводхонлигини мустаҳкамлаш ишлари давом этмоқда, педагог кадрлар маънавиясини масофадан туриб ошириш тизими ташкил қилинди.

Жадаллик билан янги электрон таълим ресурслари яратилмоқда ва мавжудлари янгиланмоқда. Мисол учун, фанлар бўйича ўзбек ва рус тилларида замонавий ўқув материалларидан фойдаланиш имконини берадиган eduportal.uz ахборот-таълим портали ташкил этилди. Биргина 2011 йилда "ZiyoNET" таълим тармоғида 200дан ортиқ ўқув қўлланма ва дастурлар, шунингдек, 1870 ахборот-таълим ресурслари жойлаштирилди.

ЎА

Онлайн танлов:

Парламентаризм билимдони

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Маълумки, бугунги кунда юртимизда қонун ижодкорлиги, икки палатали профессионал парламентни шакллантиришда бир қатор ижобий янгилликлар амалга оширилмоқда. Бунга муштарак тарзда ҳаётимизда миллий парламентаризмининг ижтимоий-сиёсий ўрни, нуфузини ортбормоқда. Албатта, ушбу жараёнлар ҳақида кенг омма, айниқса, ёшларга зарур ахборот ва маълумотларни етказишда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ахборот технологияларининг роли катта.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти — www.parliament.gov.uzда ёшлар учун "Парламентаризм билимдони" онлайн танлови эълон қилиниши ҳам ана шу эзгу максалларга хизмат қилиши шубҳасиз. Келинг, шу жойда мазкур танлов ҳақида маълумот бериб ўтсак.

"Парламентаризм билимдони" онлайн танлови БМТнинг "Парламент ривожланишини қўллаб-қувватлаш" тараққиёт дастури лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган. Унинг регламентига мувофиқ, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар бевосита онлайн танловда қатнашиш ва, албатта, чин маънода парламент билим-



маънода парламент билимдонига айланиш имкониятига эгадирлар.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб таҳлил қилганда, UZ миллий доменида рўйхатдан ўтган расмий веб-сайтларда бу каби танловларни ташкил этиш аҳолининг нафақат сиёсий, балки ҳуқуқий ва маънавий саводхонлигини ҳам оширади. www.parliament.gov.uz веб-сайти бу жараёнда илк кадамини ташлади. Айнан ушбу онлайн саҳифани кузатган ҳар бир фойдаланувчи бу каби янгилликларга қизиқиши ва онлайн танловда иштирок этишга чоғланиши табиий.

Танловда ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрлари талабалари фаол иштирок этмоқда. Танлов 40 турдан иборат бўлиб, ҳар ҳафтанинг душанба куни учтадан савол тўртта жавоб вариантлари билан эълон қилинади. Ҳар бир тўртта жавоб бир балдан баҳоланади. Танловда қатнашиши хоҳловчилар махсус сўровномани тўлдирishi, унда ўзи

ҳақидаги маълумотлар (исми-шарифи, туғилган йили, иш ёки ўқиш жойи, яшаш жойи ва телефон рақами)ни кўрсатиши лозим. Ҳафтанинг жума куни тўлланган оралиқ баллар эълон қилинади. Унда қатнашчиларнинг исми-шарифи, рўйхатдан ўтган вақти ва тўплаган баллари кўрсатилади. Танловнинг эътиборли жиҳати шундаки, қатнашувчиларнинг баллари компютер хотирасига киритилган тўғри жавоблар асосида ҳисоблаб борилади, яъни электрон ҳисоблагич ёрдамида ҳар бир иштирокчилнинг баллари ҳолис ва ҳаққоний баҳоланади. Бу каби онлайн танловларнинг ташкил этилиши, биринчи навбатда, ўқувчи сиёсий онгини оширади. Яъни танловда иштирок этган ҳар бир иштирокчи парламент фаолияти, фракциялар, депутатлар, қўмиталар ва комиссиялар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиши мумкин. Айни вақтда онлайн танловда 2000 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этапти. Иштирокчиларнинг 80 фоизини 14-25 ёшдагилар ташкил этмоқда. Уларнинг аксарияти мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларидир. Худудлар бўйича олганда, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах вилоятларида ёшларнинг фаоллиги кузатилади. Ҳатто, энг чекка худудлардан ҳам ёшларнинг фаол иштироки эътиборга молик.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда Ватан меҳри, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, қомил инсон соғларини шакллантиришда "Парламентаризм билимдони" сингари онлайн танловларнинг ўтказилиши муҳим рол ўйнайди. Ва, ўз навбатида, сиёсий жараёнларда мустақил фикр, эркин мулоҳазага эга ёшлар учун парламент тарихидан то бугунги ривожланish босқичлари ҳақидаги тезкор, ҳолис ахборотга эга бўлиш учун www.parliament.gov.uz расмий веб-сайти ҳамisha хизматга тайёрдир.

Дилрабо ЖУМАТОВА

"Парламентаризм билимдони" онлайн танлови Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган. Унинг регламентига мувофиқ, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар бевосита онлайн танловда қатнашиш ва, албатта, чин маънода парламент билим-

"Матбуот" дўкони сотувчиси.

У қандай бўлиши керак?

"Матбуот" дўкони сотувчиси, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бошқа сотувчилардан кўп жиҳатлари билан фарқ қилиши керак. Зеро, у харидорларга фақатгина маҳсулот сотиш билан шуғулланмайди, балки дўконига ташриф буюрувчиларга маърифат тарқатади, уларнинг айрим саволларига жавоб ҳам беради.


Бунинг учун эса унинг ўзи маърифатли, бугунги кун сиёсатидан хабардор бўлмоғи лозим. "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясида тўрт йилдан бери ўтказилиб келинаётган "ЭНГ МОХИР МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" кўрик-танлови ана шу жиҳатлари билан катта аҳамиятга моликдир.

Компания бош офисда ҳар йили 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрамига бағишлаб ўтказиладиган ушбу кўрик-танловнинг якуловчи босқичи бўлиб ўтди.

Мана, бир неча йилдирки, 27 июн санаси нафақат журналистлар, балки матбуот тарқатувчиларининг ҳам байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Сабаби, журналистлар маҳсулотни тайёрловчилар бўлса, матбу-

от тарқатувчилар уни аҳолига етказувчилардир. Шу маънода олиб қараганда, улар зиммасига катта масъулият юклатилган. Бу вазифани тўлиқ адо этиш билим ва тафаккурни бойитиб боришни, ўз устида ишлашни талаб этади. Мазакур кўрик-танловга тайёрланиш жараёнида дўкон сотувчилари ўз вазифаларига ана шу талаб нуктаи назаридан ёндашмоқдалар. Бу кўрик-танловда иштирок этувчилар сафи йил сайин ортиб бораётганлигида ўз аксини топмоқда. Компания раҳбарияти "Матбуот" дўкони сотувчилари меҳнат шароитларини яхшилашга ҳаракат қилишяпти.

Дўкон сотувчиларининг иш жараёнидаги билимлари ўтган икки босқичда намоён бўлган бўлса, сўнги босқичда назарий билимлари синаб кўрилади.



Шу тарихи 20 нафар "Матбуот" дўкони сотувчилари бирма-бир ўзлари учун тайёрланган саволлар жойлаштирилган хатжилдларни олдилар ва жавоб бера бошладилар.

— Мен 44 йилдан бери дўкон сотувчиси бўлиб ишлайман, — дейди пойтахтимизда жойлашган 295- "Матбуот" дўкони сотувчиси Хусан Каримов. — Ушбу кўрик-танловда иккинчи бор иштирок этяпман. Биз сотувчиларнинг маънавий салоҳиятимиз ошишида компания-

да тез-тез ташкил этиб борилаётган маънавий соатларининг, шунингдек, маърузачилар иштирокидаги ўқув машғулотларининг аҳамияти катта бўляпти. Биз раҳбарларимизнинг эътиборидан миннатдоримиз. Негаки, байрам кунинда бирорта иштирокчи совғасиз қолмаяпти. Гап фақат совғада ҳам эмас, эътиборда, кўрик-танлов баҳона ўзаро яқинлашиб бораётганимизда.

Кўрик-танловнинг охиригача босқичи ҳам якувланди. Голибларни тақдирлаш матбуотчиларнинг касб байрами олдидан тантанали равишда ўтказилди.

Шу йил 19 июн куни Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси томонидан "Нодавлат босма оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, уларга қулай шароит яратиш ва хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш масалалари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги масъул ходимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК ҳамда маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари иштирок этишди.

— Бугунги конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад, — деди компания бош директори Сувор НАЖБИДИНОВ. — Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришда ОАВ, шу жумладан, вақтли матбуот нашрларининг аҳамияти, ушбу нашрларни аҳолига ўз вақтида етказиб беришда бор куч ва имкониятларини ишга солишга ҳаракат қилаётган "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган ишлар ва келгуси режаларни кенг оммага етказишдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, республикамиз ҳукумати томонидан миллий журналистика жамиятда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашга, оммавий ахборот воситалари кенг миқёсда ривожланишига ва шу қаторда вақтли матбуот нашрларини тарқатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Компания тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиб бериш ҳамда аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада такомиллаштиришни таъминлаш ва тизимни ривожлантириш мақсадида "2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш Дастури" қабул қилиниб, ушбу дастур асосида иш олиб борилмоқда.

Бажарилган ишлар ва режалар

Вақтли матбуот нашрларини тарқатишда ўз таркибидаги "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамиятлар ва шўъба корхоналаридан ташқари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг вилоятлардаги филиаллари ҳамда "Халқаро почта" филиали билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Муштариолар сеvimли нашрларини ўз вақтида олишлари учун ҳар кун икки мингта яқин почтачилар ва бир минг икки юздан ортик "Матбуот" дўконлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Чекка ҳудудларда яшайдиган аҳолига газета ва журналларни етказиб бериш учун компания почта алоқаси бўлимлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Яъни, "Матбуот" дўконлари йўқ жойларда нашрларни тарқатиш почта алоқаси бўлимлари томонидан йўлга қўйилган. Аҳоли гавжум ва ташкилотлар кўп жойлашган масканларда "Матбуот" дўконлари орқали 2013 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна қабул қилиш ташкил қилинади. Ўйлашмизки, амалга ошириладиган ишлар аҳоли эътиборидан четда қолмайди ва муштариолар ушбу яратилган қулайликлардан унумли фойдаланадилар.

Компаниянинг www.akmt.uz веб-сайтидан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали обуна қабул қилиш йўлга қўйилган бўлиб, бу хизмат турини янада ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, барча тахририятлар учун компания веб-сайти орқали доимий равишда обунанинг бориши бўйича онлайн ҳолатида маълумотларни олишлари учун имконият яратилади.

Компания ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқари-

да тарқатиладиган газета, журналлар ва китобларнинг обуна нархлари белгиланган каталогни чоп этади ва электрон нусхасини компаниянинг www.akmt.uz веб-сайтига жойлаштирилади. Обуна каталогини ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ва болалар учун мўлжалланган нашрларга имтиёзлар қўлланилиши режалаштирилган. Шунингдек, барча муштариоларга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида даврий нашрларга обуна қабул қилувчи дўконлар сони сезиларли даражада кўпайтирилиб, 800тага етказилади.

Компания дўконларда фаолият юритаётган сотувчиларнинг ўз касбига бўлган эътиборини ошириш, фаолият жараёнида камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиш, республикамиз аҳолиси ва меҳмонларига малакали савдо хизмати кўрсатиш, ижтимоий-сиёсий вақтли нашрларни дўконлар орқали тарқатилиши даражасини ошириш мақсадида, 2009 йилдан буён "Энг мохир матбуот тарқатувчи" кўрик-танловини ўтказиб келмоқда.

Компания битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Компания таркибидаги шўъба корхона ва масъулияти чекланган жамиятларга алоқа, ахборот ва компютер технологиялари йўналишидаги касб-хуна коллежларининг 32 нафар битирувчиси "Матбуот" дўкони сотувчилиги вазифасига ишга қабул қилинди.

Анжуманда С.Нажбидинов журналистларнинг қўллаб саволларига ҳам жавоб қайтарди.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Факт ва рақамлар

Дастур доирасида тизим корхоналаридаги мавжуд "Матбуот" дўконларининг 364таси жорий ва 92таси қаштал таъмирланди. Аҳоли гавжум жойларга янги дизайндаги 38та дўкон жойлаштирилди ҳамда 80та янги дўконни тайёрлаш ва жойлаштириш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Компаниянинг вилоятлардаги бўлинмалари учун 52та янги компютер техникаси, 26та принтер, 6та факс аппарати, 4та сканер, 5та нусха қўпайтириш аппарати сотиб олинди.

Тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш мақсадида компания шохобчаларидаги терминаллар сони 147тага кўпайтирилди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган "Матбуот" дўконлари сони 1136тага етказилди, 200дан ортик эски турдаги дўконлар янги русумдагисига алмаштирилди.

Компаниянинг чакана савдо тизимида ўтган йиллар давомида 134 турдаги китоб маҳсулотлари савдога чиқарилган бўлса, бугунги кунда 1320дан ортик турдаги китоб маҳсулотлари тармоқ дўконлари орқали сотувга қўйилган.

Xalqaro haqot



КУВАЙТ амира Сабох ал-Ахмад ал-Сабох парламент ишени бир ойга тўхтатди, хабар беради Reuters агентлиги Кувейтнинг КУНА агентлиги манбасига таяниб. Агентлик амир қарорни мамлакатда сиёсий таназулнинг олдини олиш учун қабул қилган, деб шарҳламакда. Конституцияга кўра, мамлакат раҳбари бир ой муддатта парламент ишени тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатда жорий йилнинг февралда бўлиб ўтган муддатидан аввалги парламент сайловларидаги исломчиларнинг галабаси депутатлар ва вазирлар ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқарган. Ҳшандан бери молия вазири, шунингдек, ижтимоий сиёсат ва меҳнат вазири парламенти тарк этишган.

ФИНЛЯНДИЯлик олимлар аллергия кўзгатувчи барча моддаларга қарши тура оладиган универсал вакцина устидан иш олиб бормоқда. Унинг таъсири антижисмларни нобуд қилиш имконини беради. Мутахассисларнинг айтишича, бундай вакцинага талаб жуда юқори бўлиши кутилмоқда. Боси Европа аҳолисининг катта қисми аллергияга чалинган.

2015 йилга бориб Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида дунёдаги энг баланд темир йўл кўприги қурилиши тугалланади. Times of India нашрининг ёзишича, кўприк Ченаб дарёси устидан 359 метр баландликда тортилади.

Конкан темир йўл бошлигининг айтишича, бу кўприк дунёдаги энг баланд яштин минора Кутб-Минорадан беш маротаба, машҳур Эйфел минорасидан эса 35 метр баланд бўлади.

Кўприк 2004 йилда (қурилиш шу йил бошланган) 5,1 млн. хинд рупийси (деярли 100 млн. доллар)га баҳоланган эди. Шу боис мамлакат ҳукумати унинг харажати яна ошишини инкор этмайпти. Агар кўприк устида шамол соатига 90 км. тезликда эсса, у автоматик тарзда очилади. Бу ҳолатда ундан поездларнинг ҳаракатланиши вақтинча тўхтатилади.

ХИТОЙ мамлакатни ўрмонлаштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мамлакатда сўнгги ўттиз йил ичида 58 миллиард 900 миллион дарахт кўчати экилган. Маълумотларга қараганда, 2011 йилнинг ўзида Хитойда 12 миллиард 700 миллион туп дарахт кўчати ўтказилган. Мамлакат ҳукумати 2022 йилга бориб кўкаламзорлаштириш дастурига мувофиқ бу ишга беш юз миллион кишини жалб этиб, яна 26 миллиард туп кўчат экишни режалаштирган. Хитой ўрмонларининг умумий майдони 195 миллион гектарга тенг.

ЯПОНИЯлик дастурчилар смартфон ва планшетли компьютерлар учун "3D энетоми" маҳсус дастурини ишлаб чиқди. Амалдорчи шифокорлар учун қулай мазкур дастур инсон танасининг исталган қисми ҳақида батафсил маълумот олиш имконини беради. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, ушбу янги ишланма ёрдамида инсон танасининг майда томирлари ва чуқур жойлашган барча тўқималарини ҳам кўриш мумкин.

Сурхондарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтказилган режали текширишлар ҳамда тегишли органлар билан ҳамкорликдаги тадбирлар давомида жойларда фаолият турларига тегишли бўлган лицензия шартлари, давлат ва тармоқ стандартлари талаблари, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2011 йил 28 декабрдаги 3-сонли мажлиси қарори билан тасдиқланган 2012 йил текширишлар режа-жадвали ҳамда Давлат алоқа инспекциясининг тегишли буйруқларига асосан, жорий йилнинг апрел ойида "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалларида соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, давлат ва соҳа стандартларининг бажарилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифати, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, лицензия келишув битимларининг бажарилиши ва уларга риоя қилиниши борасида режали текширишлар ўтказилди.

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалида ўтказилган режали текширишда Қизилқум ва Учқизил телекоммуникациялар боғламаларида мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати талабга жавоб бермаслиги, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда норматив ҳужжатлар талаблари қўпол равишда бузилиши, Денов, Узун, Учқизил телекоммуникациялар боғламаларида кабел хўжалигида носозликлар ўрнатилган тартибда бартараф этилмаганлиги, статистик ҳисоботлар ҳаққонийлиги таъминланмаганлиги, туман телекоммуникациялар боғламаларида мавжуд кабел хўжалиги ва ҳаво линиялари норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги ва шунга ўхшаш бир қатор салбий ҳолатлар аниқланди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалида ўтказилган режали текшириш жараёнида почта алоқаси объектларида мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати талабга жавоб бермаслиги, почта алмашинувлари белгиланган жадвал асосида тўлик ўтказилмаётганлиги, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда норматив ҳужжатлар талаблари қўпол равишда бузилиши, статистик ҳисоботлар ҳаққонийлиги таъминланмаганлиги ва бошқа салбий ҳолатлар аниқланди.

Бундан ташқари, филиалга тегишли 43та алоқа бўлими ўлчов воситалари (тарози) билан таъминланмаган. Филиал ҳамда Термиз шаҳар, Бойсун почта алоқаси тармоқлари ва улар таркибидagi текширилган алоқа бўлиmlари иш фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам тўлик

Эътибор йўқ жойда...

Текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалларида тегишли кўрсатмалар берилиб, бажарилиши вилоят ДАИ томонидан назоратта олинди.

таъминланмаган, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўқиб-ўрганиш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилиши йўлга қўйилмаган.

Филиал томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, почта жўнатмалари ва пул маблағлари муҳофазасини таъминлашнинг яхшилаш мақсадида 2011 йил давомида ва 2012 йил 1-чорагида чора-тадбирлар амалга оширилмаганлиги, айниқса, ачинарли ҳолдир.

Текшириш натижасига асосан алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларининг бузилишига йўл қўйган саккиз нафар масъул раҳбарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексининг 153-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилди.

Почта алоқасининг универсал хизматлари сифатини ва хатларнинг назорат муддатларида этиб боришини назорат қилиш мақсадида шаҳар ва туманларда жойлашган алоқа бўлиmlари орқали оддий ва буюртмалар назорат хатлари жўнатилиб, уларнинг почта қутиларидан олиниши, қабул қилиниши, ишлов берилиши, жўнатилиши, етказилиши ва назорат муддатларида ўтиши юзасидан тахлилий ишлар амалга оширилди. Тахлил натижалари хатлар почта

алоқаси тармоғидан алоқа бўлиmlига та жўнатилишида кечиктирилганлиги, истеъмолчиларга кеч тоширилганлиги, манзилга етиб бормаганлиги, хатларни етказиб бериш жойидаги алоқаси бўлиmlари томонидан почта коидалари бузилиши ҳолатлари аниқланди. Мазкур аниқланган

камчиликларни бартараф этиш юзасидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалига тегишли тавсиялар берилди. Филиалнинг тегишли буйруқларига асосан иш жараёнида ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий чоралар қўрилган.

Тегишли органлар билан ҳамкорликда "Сурхондарё вилояти ҳудудида радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноконуний фойдаланишнинг олдини олиш" бўйича тузилган 2012 йил чора-тадбирлар режасига асосан 2012 йилнинг беш ойи давомида ҳамкорликда 8та тадбир ўтказилди. Тадбирлар жараёнида "Денов АТР" телевидениеси томонидан Денов шаҳри ҳудудида ноконуний равишда ТВ дастурларини тарқатиш учун икки донга узаттич ўрнатилганлиги, мазкур узаттичлардан ЭМММдан тегишли рухсатнома олмастан фойдаланилаётганлиги, "Термиз Локомотив Депоси" томонидан эса вилоят ҳудудида 17 донга радиостанция ноконуний ишлатилаётганлиги, мазкур радиостанциялар учун ҳам ЭМММдан тегишли рухсатнома олинмаганлиги аниқланди.

Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишнинг белгиланган коидалари, радиоайирбошлаш ва радиочастоталардан фойдаланиш коидалари, радионурланнинг давлат стандартлари, нормалари ва белгиланган тартибда ўрнатилган параметрларига риоя этмаганлиги натижасида икки нафар мансабдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексининг 152-моддаси, 1-қисмига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилди.

Х.ШОНАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти
ДАИ бошлиғи

Харидорлар мамнун

"Агробанк" ОАЖБ Марғилон шаҳар филиали биноси ёнида жойлашган "Матбуот таркатувчи" АК Марғилон шаҳар шўъба корхонасига қарашли "Матбуот" дўқони сотувчиси Озодахон Тожибоева ўзининг хушмуомалалиги, ширинсўзлиги, ҳозир-жавоблиги билан харидорлар ўртасида хурмат-эътиборга сазовор бўлган. Унинг самимийлиги, фидойилигини кўплай мижозлар яхши билади.

— Дўқонда қирқдан зиёд турли номдаги нашрлар, идора товарлари билан савдо қиламан, — дейди Озодахон Тожибоева. — Белгиланган савдо режаларини уйдаялганман. Жорий йил тўрт ойлик режани ортинги билан бажаришга эришдим. Бундан ташқари,

обуначилар хизматини ҳам адо этияман. Шунингдек, харидорларнинг буюртмаларини, яъни улар хоҳлаган газета ва журналларни етказиб беришга ҳаракат қиламан. Турли касблардаги юртдошларимга зиё улашаётганимдан завқланаман.

— Озодахон ўз вазифасига масъулият билан ёндашди, — дейди "Матбуот таркатувчи" АК Марғилон шаҳар шўъба корхонаси раҳбари Умидахон Тожибоева. — Унинг дўқони эрта тонгда, оқпанда очиклиги кўпчилик мижозларни хушнуд этипти.

Шунинг учун ҳам газетсевар мижозлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Интилган муродига етади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Махмуда бу йил ўзининг қиркинчи баҳорини қаршилади. Шу қиска мuddат ичида у ўқиб, олий маълумотли бўлишга ҳам, оила қуриб, икки фарзандга она бўлишга ҳам, ишида юкори поғоналарга кўтарилишга ҳам, ўз устида ишлаб, олималик даражасига эришишга ҳам улгурди. Лекин бу натижалар оsonлик билан қўлга киритилмади, албатта.


Махмуда Тошкент шаҳрида, зиёлилар хонадонига таваллуд топди. У камолга етган маскан — Тошкент политехника институти ўқитувчиси Хусниддин Назаров ҳамда болалар шифокори Мавжуда Саидкориевалар оиласида инсон кадрини хайма нарсадан оустун қўйилар, китоб энг катта бойлик ҳисобланар, болаларнинг илми, маданиятли инсон бўлиб voyга етишлари учун ҳаракат қилинарди.

— Ота-онам, ишдан чарчаб келган бўлишларига қарамай, ҳар куни кечқурун биз — фарзандлар билан алоҳида шуғулланишга вақт топишарди, — дейди Махмуда. — Улар қундалиқларимизни текширишарди ва мактабда, йўлда, маҳаллада нима воқеалар содир бўлганлиги, биз ўзимизни қандай тутганлигимиз, айрим ҳолатларга муносабатимиз ҳақида сўрашарди. Бирор жойда хато қилсак тўғри йўлга солишарди. Бизнинг яхши ўқишимиз учун ҳеч нарсани аяшмасди. Мен нимагаки эришган бўлсам, аввало, оқил ва доно

ота-онам туфайли деб ўйлайман.

Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугаллаган Махмуда Назарова Тошкент Давлат университетига ҳужжат топширди ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талабалик деб бахтга сазовор бўлди. Ўқиш даврида у математика фанига бўлган қизиқиши билан бошқалардан ажралиб турар, билимга ташналиги, юксак иқтидори туфайли ҳамсабоқларининг ҳам, устозларининг ҳам ҳурматига сазовор бўлган эди. Шу сабаб ўқишини тамомлагач, у устозларининг тавсияси билан университет аспирантурасида ўқишини давом эттирди. Олий маълумотли бўлганлиги ҳақидаги дипломини қўлга киритгач, меҳнат жабҳалари сари йўл олди.

— Махмудахон қорхонамизга 1998 йилда ишга келган, — дейди қорхонанинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими Муборак Гафурова. — Тармоқларнинг дастурий таъминоти бўлимида уч йил давомида фаолият юритган ёш ва билимли мутахассисдаги қатъият, ўзига ва бошқаларга талабчанликни қўғон раҳбарларимиз уни Ахборот хавфсизлиги бўлимига — лаборатория бошлиғи вазифасига ўтказишди. Махмудахон бу вазифада ҳам ўзини кўрсата олди. Ва кўп ўтмай унга янада масъулроқ вазифа — Криптография илмий-тадқиқот бўлими етакчи илмий ходимлиги топширилди.



Ишда муваффақиятларга эришмоқ учун ҳар кимга ҳам оила хотиржамлиги жуда зарур.

Ўта зийраклик ва билим талаб этиладиган бу вазифани ҳам, мана бир неча йилдирки, Махмуда Назарова катта масъулият билан бажармоқда.

Маълумки, қайси соҳада фаолият юритмасин, ишда муваффақиятларга эришмоқ учун ҳар кимга ҳам оила хотиржамлиги жуда зарур. Махмуданинг бу борада ҳам омади чошган. Унинг турмуш ўртоғи — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети доценти Баҳодир Иброҳимхўжаев аёллар меҳнатини қадрлайдиган, оила мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларни ҳар томонлама баркамол ўстириш учун ҳар қандай мушкулотни енгиб ўтишга қодир инсон. Ўзи ўқимишли бўлганлиги сабаб илмнинг қадрига етади ва рафикасининг илмий излавишлари учун барча шароитни яратиб берапти.

Оиласи ва ишхонасидагиларнинг қўллаб-қувватлашдан унумли фойдаланган Махмуда Назарова ишлай туриб, илм билан ҳам жиддий шуғулланмоқда. 1998 йилда у дифференциал тенгламалар йўналишида иш олиб бориб, номзодлик диссертациясини химоя қилган ва физика-математика фанлари

NISHONDORLARIMIZ

номзоди унвонига сазовор бўлган эди. Айни пайтда у янги мавзу устида иш олиб бормоқда.

Ёш олиманинг самарали меҳнатлари ва қўлга киритаётган ютуқлари раҳбарият томонидан муносиб баҳоланди. Соҳа ривожига қўшаётган муносиб ҳиссаси учун Махмуда Назарова яқинда юксак унвон — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ билан мукофотланди.

— Мазкур мукофот мени янги чўққиларни эгаллашга ундамоқда, — дейди Махмуда. — Минг шукрки, мамлакатимизда биз аёлларнинг ўқиб-изланишимиз, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб voyга етказишимиз учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай экан, биз ҳам бунинг қадрига етган ҳамда мавжуд шароитдан унумли фойдаланган ҳолда самарали меҳнат қилиб, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшмоғимиз, энг муҳими эса фарзандларимизни одобли, ақли, юртпарвар, эл иши учун фидойи инсонлар қилиб voyга етказмоғимиз лозим.

Ҳа, оила, давлат иши билан биргаликда илм билан ҳам жиддий шуғулланиб, юкори натижаларни қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун инсонда меҳнатсеварлик, хоҳиш ва интилиз кучли бўлмоғи лозим. Ана шу фазилатлар Махмудани янги марралар сари чорламоқда. Интилганга толе ёр, деб шунга айтсалар керак-да!

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Дуқумат **Интилган бандасига**
Худо ҳам қўл чўзар экан.
ЭСХИА

Автотранспортларда янги технологиялар

Глобаллашув асрида бирор-бир соҳа фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда шаҳарлараро йўналишларда қатнаётган автобуслар учун сунъий йўлдош орқали навигация (GPS) тизимини жорий этиш борасида жадал ишлар амалга оширилмоқда.

GPS мосламаларини жорий қилиш йўловчилар хавфсизлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўловчи транспортини енгилаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш имконини беради. Уларнинг татбиқ этилиши жараёнининг барча иштирокчилари — давлат тузилмалари, автокорхоналар, хайдовчилар ва йўловчилар учун фойдалидир.

Мутахассисларнинг кайд этишича, сунъий йўлдош орқали навигация тизими ёрдамида реал вақт тартибда автотранспорт воситаси қаерда жойлашганлиги, унинг саз ёки носозлигини аниқлаш, нима сабабдан белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланмаётганлиги, автобус кейинги бекатга етиб боргунча қанча вақт кетишини билиш мумкин. Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган тақдирда хайдовчилар қутқарув ёки тез ёрдам хизматини махсус функция ёрдамида чақириниш имконига эга. Бу борада GPS тизимига киритилиши мумкин бўлган яна қўллаб қўшимча функциялар ҳам мавжуд.

Айни вақтда мамлакатимиз бўйича шаҳарлараро йўналишларда қатнаётган 68та автобустга GPS мосламаси ўрнатилган. Жорий йил охиригача шаҳарлараро йўналишларда ҳаракатланадиган барча автобусларга шундай мосламаларни ўрнатиш режалаштирилмоқда.

"Uzkart" ўрнига "SmartVista"



SMS кўринишида келади) кўрсатиш керак, холос. Интернет, уяли алоқа, коммунал хизматларини тўлаш, интернет-банкнинг ёрдамида супермаркетлардан харидларни уйга етказиб берилишини амалга ошириш мумкин бўлади. Барча тўловлар реал вақт тартибда амалга оширилади.

Пул-кредит сиёсати бўйича Давлат комиссиясининг 2011 йил 9 февралдаги қарорига биноан, тижорат банклари UZKART тўлов тизимини DUET платформасидан EMV стандартларига ўтказиш лойиҳасини амалга ошириб, жаҳон стандартларига асосланган янги сўм пластик карталарини чиқаришни бошлади.

Энди "UZKART" пластик карталари янги "SmartVista"га алмаштирилади.

Янги пластик карталарининг афзаллиги шундаки, пул маблағларини мустақил равишда юклар олишга ҳожат қолмайди. Пуллар автомат тарзда картага келиб тушади. Карточкадаги ҳисобдан тўловни пластик картасиз ҳам амалга ошириш имкони пайдо бўлади. Бунинг учун фақат парол ва карта рақамини (улар телефонга

Билиб қўйинг

Солиқ бўйича қарзларни SMS орқали аниқлашингиз мумкин

Давлат солиқ кўмитаси солиқ органларининг янги электрон сервисини синов тартибда ишга туширди.

Ушбу сервисдан фойдаланган ҳолда, мобил телефонга SMS-хабарлар кўринишидаги мавжуд солиқ қарзлари ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин. Хабарда қарз миқдори ва уни тўлаш учун реквизитлар (ҳисоб рақами ва тўлов олувчининг МФО) кўрсатилади.

Давлат солиқ кўмитаси расмий сайтида маълум қилинишича, хизматдан фойдаланиш учун +998 97 7424812 рақамига SMS-сўров юборишнинг ўзи кифоя. Хизмат bepул.

Солиқ бўйича қарздорлик миқдорини билиш учун "0.ИНН" матни ёзилган SMS юборилади, бунда ИНН ўрнига сизга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами ёзилади, масалан: "0.123456789".

Мулк солиғи бўйича қарздорлик тўғрисидаги маълумотни "1.ИНН" матнини, ер солиғи бўйича қарздорлик ҳақидаги маълумотни "2.ИНН" матнини, сув захираларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича қарздорлик тўғрисидаги маълумотни "3.ИНН" юборган ҳолда олиш мумкин.

Санжар РАҲМОНОВ

Продолжается развитие новых видов услуг в почтовой отрасли на базе информационно-коммуникационных технологий

Современная почтовая связь во всем мире широко использует информационно-коммуникационные технологии, благодаря чему спектр ее деятельности значительно расширился. ОАО "Узбекистон почтаси", являясь национальным оператором почтовой связи, в этом направлении проводит эффективную деятельность, направленную на совершенствование своей инфраструктуры и активное внедрение передовых методов работы, позволяющих повысить качество предоставляемых почтовых услуг и обновлять свою материально-техническую базу.

"Узбекистон почтаси" имеет эксклюзивное право на оказание универсальных услуг на всей территории страны и обеспечивает международный почтовый обмен. Наряду с традиционными услугами также оказывает услуги по оперативному приему платежей за междугородные и международные переговоры, абонентскую плату за домашний телефон в отделениях почтовой связи, подключенных к биллинговой системе АК "Узбектелеком", принимает оплату за коммунальные услуги, электроэнергию.

В текущем году ОАО "Узбекистон почтаси" продолжены работы по выполнению планов-мероприятий, предусмотренных "Проектом модернизации сети почтовой связи, внедрения и развития новых услуг на базе информационно-коммуникационных технологий в 2009-2012 гг.", утвержденного 18 мая 2009 года. Региональными филиалами Общества на объектах почтовой связи в сотрудничестве с ОАК "Алокабанком"

и другими банками установлен 1121 терминал пластиковых карточек, посредством которых оказываются услуги населению. Общее число объектов почтовой связи, подключенных к действующим автоматизированным системам "электронные денежные переводы" и "прием платежей", достигло 945. В филиале "Ташкент почтамити" внедрена система по приему заказов на услуги курьерской службы через интернет.

Кроме того, с целью улучшения качества связи ведутся работы по поэтапному переключению линий связи компьютеризированных отделений почтовой связи на новые линии. С этой целью заключен договор на поставку 500 терминалов беспроводной связи и начаты работы по их подключению к сети филиала "УзМобайл" АК "Узбектелеком".

На сегодняшний день 15 обменных пунктов почты в территориальных филиалах и все сортировочные участки городских и районных узлов почтовой связи подключены к автоматизированной системе мониторинга прохождения регистрируемых почтовых отправлений, что позволяет в режиме реального времени получать информацию о местонахождении почтовой корреспонденции. Данная услуга доступна всем пользователям почтовой связью посредством сети интернет на сайте общества: www.pochta.uz.

В мае месяце текущего года сдана в эксплуатацию система гибридных денежных переводов, созданная на базе автоматизированной системы электронно-денежных переводов.



— Мен Махлиё Равшанова Навоний эркин иктисодий индустриал зонасида ташкил этилган "Telecom Innovations" қўшма корхонасига йўлланма олганимдан жуда ҳам хурсандман. Бу ишончини албатта оқлайман.

— Мен Анора Абдуллаева Хатирчи тумани почта алоқаси тармоғиди йўлланма олдим.

— Қизим бугун "Ўзбектелеком" АК Навоний филиалига ишлаш учун йўлланмага эга бўлганидан мамнунман, — дейди Навоний шаҳридаги 24-болалар боғчаси тарбиячиси Насибали Иspanова. — Фарзандларимизнинг порлоқ эртаси учун қайғураётган, уларга чексиз гамхўрлик қилаётган Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз. Ахир ёшларга эътибор — келажакка эътибор-ди. Шу боисдан ҳам болаларимиздан кўнглимиз тўк.

— "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоний филиали бугунги ярмаркада 11та иш ўрни билан иштирок этди, — дейди филиал кадрлар бўлими бошлиғи Шакарбек Казаков. — Кармана тумани Маликработ кўрғониди, Хатирчи тумани почта алоқаси тармоғиди, Навба-

хор тумани почта алоқаси тармоғиди илк меҳнат фаолиятини бошлайдиган ёшларга тажрибали ва ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар касб сирларини ўргатади. Соҳага энди кадам қўяётган ёш мутахассислар тажрибали устозлар сивидан ўтиб, тизимнинг нозик сирларини ўрганишларига ишончим комил.

Меҳнат ярмаркасида барча катта таассуротлар билан қайтди. Ёшлар учун барча эшиклар очиклиғи уларнинг келажакка ишончини, Ватанга муҳаббат ва садоқатини мустаҳкамлаши табиий.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Хабар"нинг Навоний вилоятидаги муҳбири

Матншунослик амалиёти

Самарқанд Давлат университети филология факултети ўзбек-тожик бўлими 3-босқич талабалари 2012 йилнинг 1 июнидан 5 июлгача "Матншунослик" **Фото-хабар** амалиётини Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтаб келишмоқда. Амалиётчилар асосан АКМнинг ахборот ва кутубхона ҳужжатларини сақлаш бўлими ва нодир нашрлар секториди изланишлар олиб бормоқда. Матншуносликка доир форс-тожик ва араб тилларидаги нодир китоб ва қўлёзмалар билан танишиб, ўз билим савияларини оширишмоқда.

Махбуба КУЛОВА,
АКМ илмий-услубият бўлими мудир



Факт

Карвонбошилар:

- Microsoft — жаҳон компьютер амалиёт тизимлари бозорининг 90 фоизи
- Intel — жаҳон процессорлар бозорининг 80 фоизи
- Cisco — жаҳон тармоқ ечимлари бозорининг 70 фоизи
- Apple — жаҳон планшет-компьютерлар бозорининг 68 фоизи.

*Маиба -Topeka Capital Markets

АТ-хабарлар



Рентген суратлари ўтмишга айланиши мумкин. Гап шундаки, москвалик тадқиқотчилар рентгеннинг янги тури устида изланишмоқда.

Айтишларича, бу аппаратнинг иш тартиби кўпроқ рақамли фотоаппаратларникига ўхшаб кетади: кадрни шу захоти экранда кўриш, ёзиб олиш ва жўнатиш имкониятлари бўлади. Нурланиш минимумгача камаяди, аксинча, суратлар сифати бир неча маротабагача яхшиланиб, ташхиснинг аниқлиғига хизмат қилади.



Samsung янги бош директори Квон О-Хюн компания ўз мавқеини сақлаб қолиш ва янада юксалиш учун бундан буён дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш лойиҳаларига ҳам эътибор қаратишини айтиб ўтди. Биринчи галда мобил қурилмалар: телефонлар, смартфонлар ва планшетлар учун дастурий таъминот устида иш олиб борилади.



Жаҳон компьютер ишлаб чиқарувчилари орасиди Hewlett-Packard компанияси 2012 йилнинг биринчи чорагидан яна етакчилиқни ўз қўлига олди. Эътиборли томони, Canalys компанияси ўтказган маъмур тадқиқотда, компьютерлар сирасига нафақат десктоплар ва ноутбуқлар, шунингдек, планшетлар ҳам киритилган.

Шу даврда собик карвонбоши — Apple 15,8 млн.та компьютер (булардан 11,8 млн.таси — iPad), етказиб берган. HPнинг кўрсаткичлари бундан 40 мингтага кўндир.

Кейинги повоналари Lenovo, Acer ва Dell компаниялари банд этган.



Foxconn Electronics номи билан бизга таниш бўлган Тайвоннинг Hon Hai Precision Industry компанияси автоматлаштириш жараёнларига инвестицияни кўпайтириш орқали рақобатчиси — Samsung Electronicsни ишлаб чиқариш ҳажми борасиди ортда колдирмоқчи. Бу ҳақда компания асосчиси ва раҳбари Терри Гоу ўз интервюсиди тўхталиб ўтган.

Юқори мақсадларни амалга оширишда компания ўзи 11 фоиз акцияларини сотиб олган Япониянинг Sharp компанияси билан ҳамкорликка катта умид боғламоқда.




Ўтган ҳафта Nokia компанияси учун оғрикли кечди: амалга оширилажак иш ўринлари қисқартирилиши, Финляндиядаги заводи ёпилишининг эълон қилиниши ва шунга ўхшаш кўнгилсиз воқеалар. Бу воқеаларга жаҳон бозори дарҳол акс-садо қайтарди: компания акциялари шиддат билан арзонлашишни бошлади, Moody's халқаро рейтинг агентлиғи эса унинг рейтингини Вағача пасайтириб юборди.

Айрим таҳлилчилар компаниянинг қарорларини, қанчалик оғрикли бўлмасин, вазиятни ўнглашнинг ягона чораси сифатида маъқуллашган.

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Республикамизда фаолият кўрсатаётган журналистларни, шу жумладан, "Xabar" газетаси ходимларини 27 июн – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан самимий табриклайди!



"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК "ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОФИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан мамлакатимизнинг барча эъжод аҳлини қутлайди!

Маслакдош

20 йилдан буён алоқа соҳасида ишлаб келаётганим боис, алоқачиларнинг яқин маслакдоши бўлиб қолган "Xabar" саҳифаларида ёритилаётган мақолаларни кизикши билан ўқиб, улардан маънавий озуқа олаётганимдан, янгилик, воқеалардан хабардор бўлаётганимдан хурсандиман. Гоҳида қўлимга қоғоз-қалам олиб газетга мақолалар ёзишга ошиқаман, уларнинг бари газета саҳифаларида ёритиб борилаётганини кўриб, кайфиятим кўтарилади, газетга бўлган ишонч-умидим янада ортади.

Хар йили жамоамиз билан Абдуқуддус Шеров етакчилигида "Xabar" газетасига обуна бўлишга яқдиллик билан ошиқамиз. Муштарий сифатида тахририят жамоасини яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан чин дилдан қутлайман.

Асқар АНБАРЖОНОВ

Адҳам Ҳамдам ҳангомаларидан

Репортаж

Элликчи йилларда айрим раҳбарлар таълиқ остида таниқли шоир ва журналистлардан Темура Фаттах, Саъми Абдуқаҳҳор, Асмаил Пулат Тошкентдан Фарғонага келиб ижод қилишган. Ушанда Адҳам Ҳамдам вилоят газетасининг муҳаррири бўлган. Ҳамиша қаламкашларга муҳрибон бўлган Адҳам ака ушунга ижодкорларни тахририят ишига жалб қилган. "Бу сурғун вақтинчалик. Яна пойтахтга қайтиб ишлайсизлар", деб уларга даъво берган. Ушун кунларнинг бирида эшик қия очилиб, самарқандлик журналист Пиримқул Юсупов кириб келади.

— Адҳамжон ака, қувилганларни ишга тортмаётган экансиз, менга ҳам жой борми? — дея гап бошлайди у. — Самарқандда бирга ўқиб, бирга ишлаганимиз, ҳеч бўлмаса шунини инобатга олинг.

— Ие, сен нега ҳайдалдинг, дўстим?

— Э, Адҳам ака, ароқ кургурнинг касофати-да!

— Бўпти, юр, настик қаватга тушайлик. Бош ҳисобни темир сандиқда битта "Московское"ни боқиб кўйибди адашмасам. Шунча жойдан омон-эсон этиб келганинг учун ушунини урамиз, сўнгера бир тўхтамага келармиз. Биламан, сен қизиқ хўжалигига доир мақолаларни



қийиб юборасан. Шу бўлимга мудир керак. Эртага обком тасдиқдан ўтказиб келаман.

Иккинчи кун Адҳам ака Юсуповни обкомга олиб боради. Анча сўхбатдан сўнг самарқандлик қаламкаш тасдиқдан ўтади. Бир неча кундан сўнг эа обкомдан қўнғироқ бўлади:

— Адҳамжон, Турсун Қамбаровман, — деган майин овоз эшитилади. — Бу, ўтган ҳафтада менинг ҳузуримга олиб келган мухбирингиз шаҳар ўртасидаги ариқда чалқанча тушиб ётибди-ку. Боши айланиб тушиб кетдимикан-а?

Биринчи котиб қўнғирогидан шошиб қолган Адҳам Ҳамдам:

— Турсун Қамбарович, ахир мухбир қаерда ётсин? Мавзуга яқин бўлиши керак-ку! Мен унга кузги ариқ-зовурлар ҳолатидан репортаж ёзиб келишни буюргандим. Шу соҳани обдон ўрганаётганга ўхшайди, — дейди ҳозиржа-воблик билан.

Ҳажвчи ва саркотиб бараварига кулиб юборишади. Уртада ичкиликни эгмай олмай ариққа тушиб кетган мухбир омон қалиб, кўп йиллар ишонччи оқлаб ишлайди.

Ёзиб олувчи Пулат ҲАМДАМ

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамизнинг барча оммавий ахборот воситалари ходимларини 27 июн кунини нишонладиган касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.



Ўзларига соғлиқ, ижодий баркамоллик тилайди!

Тарихий хотира ва маънавий тараққиёт

Президентимиз 9 май кунини пойтахтимиздаги Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда ОАВ вакиллари билан берган интервьюсида мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали мажлислар залида ана шу интервьюда белгиланган дастурий йўналишлардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган маънавий-маърифий тадбир республика Маънавият-маърифат тарғиботи маркази Фарғона шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда “Ўзбектелеком” АК ва “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиаллари ҳамда вилоят “Матбуот таркатуви” шўъба корхонаси ишчи-ҳодимлари, мутахассислари иштирок этдилар.

Фарғона Давлат университети “Тарих” кафедраси ўқитувчиси, ёш тадқиқотчи оlima Наргиза Алимова мавзу ҳақида сўз юритиб қизиқарли мисоллар ва тахлиллар келтирди.

— Эртага бизниқига тўйга бординглар. Қутамиз!

Авазбек у хонадан бу хонага кириб никоҳ тўйига таклифнома тарқатиб юрибди. Бир чиройли,

бир шуқухли ва айни пайтда биз кўникиб кетган одатдаги оддий ҳолат. Тинч-осойишта ҳаёт тарзимиздан бир лаҳза. Мусаффо осмон остида яшаш қанчалар бахт-саодат! Эртамиз ёруғ ва нурафшон. Тун яримда ҳам зарури иш чиқиб қолса, беташвиш, бемалол йўлга чиқавраамиз. Айниқса, уруш кўрган ёши улуг авлод вакиллари бу дорилон кунлар қадрини ҳеч қандай бойликларга тенглаштира олмайдилар. Фашизм офатига қарши жангларда 1,5млн. юртдошимиз қатнашиб, уларнинг 500 минг нафардан зиёди халок бўлгани, халқимиз бошига тушган чексиз қайғуалам ва изтироб, йўқотишларни унутиб бўладими?! Она юртимиз тинчлиги учун мардлик ва жасорат кўрсатган, жонини фидо этган юртдошларимиз хотираси хамиша қалбимизда.

Аммо, Юртбошимиз таъкидлаганидек, айни кунларда ҳам ён-атрофимиздаги, узок-яқин минтакалардаги тахликали вазият оғох ва сергак бўлишимизни, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олишимизни, яъни ҳар биримизда дахлдорлик туйғуси бўлишини талаб қилади. Зотан, йирик давлатлар ўз геосиёсий қарашларини амалга ошириш, дунёга эгаллик қилиш каби манфаатлари учун кураш олиб бораётган замонда доқайд яшаб

бўлмайди. Дунёнинг турли бурчакларида маънавиятга таҳдидлар, миллатчилик, “оммавий маданият”, шовинизм бош кўтариб қолмоқда. Бу кўринишлар биздан доимо оғох бўлишни талаб этади.

Шоир Иқбол Мирзо айтганидек, “Айтгил дўстим, нима қилдинг Ватан учун?” дея ўзимиздан сўраб туришимиз керак. Юрт шаънини муқаддас сақлаш, ҳар қаричини кўз қорачиғидек асраш, ўз иш жойида виждонан меҳнат қилиш, жисман ва маънан баркамол авлодни камолга етказиш, маънавиятга таҳдидларга қарши кураш... Шундай бурч ва вазифаларимиз жуда кўп ва залворли. Барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар боис турмуш фаровонлигимиз ошиб бораётгани, таълимдаги, тиббиётда, соғлиқни сақлашдаги мислсиз ижобий ўзгаришларни дунё ҳамжамияти тан олаётгани ҳам ҳар биримизни кески қувонтиради ва шукронаи неъматда бўлишга ундайдик, аслида бу ҳам бизнинг бурчимиз.

Бир сўз билан айтганда, тадбир қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди. Қатнашчилар мавзу бўйича ва маънавият ва маърифат масалаларига тегишли қўйлаб саволлар олдилар.

Хафиза САЛЯХОВА,

“Хабар”нинг

Фарғона вилоятдаги мухбири

“...Дунёнинг қўйлаб мамлакатларида бугун давом этаётган қарма-қаршилиқлар, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиялар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва оғох бўлиб яшашимизни талаб қилади...”

Бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамадан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавfli бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, қўрмаслик, бундай хавфхатарларга бепарво бўлиб яшаш қўйлаб оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар...”

Президентимиз Ислам Каримов 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини да пойтахтимиздаги Хотира майдонинида бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан қилган суҳбатда юқоридики фикрларга тўхталар экан, бундай тахдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз башарасини очиб бериш бугунги замоннинг талаби эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, бу масалага жамоатчилик, айниқса, ёшлар эътиборини жалб қилиш зарурлигини айтганди.

Жойларда, хусусан, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона ҳамда ташкилотларда Юртбошимизнинг ана шу долзарб масаладаги интервьюси асосида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири “Ўзбектелеком” АКнинг “Бизнесни Ривожлантириш



Ёшлар — ҳал қилувчи куч!

Маркази” филиалида бўлиб ўтди. Тадбирда Чилонзор тумани Маънавият-маърифат маркази нотиғи Хамид Хақимов мавзу бўйича йирилганлар билан дўстона мулоқот ўтказди. Нотик Президентимиз интервьюсида тилга олинган долзарб масалаларни яна бир бор жонли мисоллар билан тушунтириб берди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, республикада олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар самаралари, ёш оилаларни мустақкамлаш асослари, тўй ва маъракаларни камхарж ўтказиш борасида ҳукуматимиз ишлаб чиққан чора-тадбирлар мазмун-моҳияти хусусида йирилганлар томонидан берилган саволларга атрафлича жавоблар берди. Ёшларни бугунги тинч-осойишта кунлар қадрига етишга, истиклолимиз тарихини янада чуқур ўрганишга, бу кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб,

англаб етишга қақриб, эртанги кун ёшлар қўлида эканлигини, бугунги ўқиб-ўрганаётган ҳар томонлама етук йигит-қизлар келажакимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлигини таъкидлади.

— Филиалимизда бу каби фойдали тадбирлар ўтказиш яқини анъанага айланган, — дейди филиалнинг маънавият-маърифат ишлари масъул ходими Мактуба Қорабоева. — Ходимларимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади ва уларнинг мавжуд муаммоларига ечим топиш, ташаббусларини қўйлаб-қувватлаш бизнинг вазифамиздир. Бу борада бугунгидек суҳбатларнинг ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Бугун ёшларга ҳукумати-миз томонидан қатта эътибор берилмоқда ва, албатта, эртага булар самара беради, ёшлар юртимиз тараққиётига муносиб хисса қўшадилар.

Усмонжон Йўлдошев

— Дарҳақиқат, ҳар кимнинг бахтли бўлишга, оилавий бахт оғушида яшашга ҳаққи бор. Оила қуриш олдида турган ёшлар фақат ва фақат бахтли бўлишни, ота-онасига ҳалол хизмат қилишни, эл орасида обрў топиб яшашни орзу қиладилар.

Бахтли бўлиш шартлари

Бу эзгу ниятга етиш учун эса мустақил ҳаёт бўсағасида турган ҳар бир инсонда мустақкам, бахтли оила қуриш ҳақида қўшиқма, билим бўлмоғи лозим, — деди “Ўзбектелеком” АК “Телекоммуникация Транспорт Тармоғи” филиалида Мустақкам оила йили муносабати билан ташкил этилган тадбирда ўз билимларини филиал ёшлари билан ўртоқлашган “Ўзингни англа” психологик маркази директори ўринбосари Гўзал УТЕКОВА. — Шуниси қизиқки, оила юритиш ҳақида ёшларимиз билимга эга бўлишлари мумкин, лекин қўшиқмага эга бўлиш учун йиллар керак бўлади. Оила мустақкамлигига эришиш учун нима қилиш керак? Аввало оилавий низолаб қаердан келиб чиқаётганига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бу борада ўзаро муносабатларнинг ижобий бўлиши муҳим ўрин эгаллайди.

— Оилада муаммолар юзага келишида мулоқот маданияти етишмаслиги асосий ўрин эгаллайди, — дея суҳбатни давом эттирди Г.Утекова. — Биз истаёмизми, йўқми хатога йўл қўямиз. Ҳамма гап ана шу хато учун қай ҳолатда танбех беришда. Яъни, бундай вазиятда хатога йўл қўйган инсонга унинг шахсиятига темаган ҳолда хатоси учун танбех бериш лозим. Бизнинг хиссиётларимиз — бизнинг сотувчиларимиз эканлигини унутмайлик. Демак, жаҳлимиз келганида ақлимизни қочирмасдан, оғир-босиқлик билан иш тутмоқ лозим.

Тадбирда асосан ёшлар иштирок этганликлари сабаб руҳшуносга қўйлаб саволлар берилди. Улар барча саволларига қоникарли жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

Табриқлаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиали жамоаси ҳамда Андижон вилояти алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси филиалининг обуна бўлими бошлиғи Нишонбой ЭРМАТОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Унга мустақкам соғлиқ, узок умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини қўриб юришни тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи ходими Шафоҳатхон ЗОКИРОВАни 50 ёши, Навбахор почта алоқаси тармоғи ходими Ҳақимжон МАМАТҚУЛОВни 60 ёши билан чин юракдан табриқлайди. Уларга энг эзгу тилакларни йўллайди.

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар ва Бағдод тумани телекоммуникациялар боғламалари ходимлари Тожибой ДАДАБОВ ҳамда Фулмонжон ҚОДИРОВларни муборак 60 ёшлари билан самимий табриқлайди. Уларга мустақкам саломатлик, узок умр тилайди.

Министерством финансов Республики Узбекистан от 12 июня 2012 года декларированы тарифы № ММ/15-04-Уз-2012/9 Государственного унитарного предприятия "Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения" при Узбекском агентстве связи и информатизации

Утвержден приказом Государственного унитарного предприятия "Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения" при Узбекском агентстве связи и информатизации от 12 июня 2012 года № 201

ПРЕЙСКУРАНТ № 125-1/4
ТАРИФЫ НА УСЛУГИ РАДИОСВЯЗИ, ТРАНСЛЯЦИИ
РАДИОВЕЩАТЕЛЬНЫХ И ТЕЛЕВИЗИОННЫХ ПРОГРАММ

Вводится в действие с 1 июля 2012 года

№	Наименование и краткая техническая характеристика продукции (изделия, услуги)	Предельные тарифы (включая налог на добавленную стоимость) на использование технических средств радиовещания, телевидения и радиосвязи, сум за 1 программу - час:	
		областных структурных подразделений	Ташкентской телебашни
1	2	3	4
I. Услуги трансляции радиовещательных программ (аналоговый формат)			
<i>Передающие каналы МВ ЧМ вещания. Передатчики мощностью:</i>			
1.	10 Вт	474	
2.	100 Вт	627	
3.	250 Вт	883	
4.	500 Вт	921	
5.	1 кВт	1918	3 174
6.	2 кВт	2 256	3 990
7.	4 кВт стерео		5 289
<i>Примечание: Стереофонические передатчики МВ ЧМ вещания, транслирующие как моно, так и стереопрограммы, оплачиваются по тарифам стереовещания за все время работы передатчика.</i>			
II. Услуги трансляции телевизионных программ (аналоговый формат)			
<i>Передатчики телевизионного изображения мощностью:</i>			
8.	1 Вт	97	
9.	10 Вт	167	
10.	30 Вт	186	
11.	100 Вт	844	
12.	150 Вт П-Ильмень	1 139	
13.	200 Вт	1 260	
14.	250 Вт	1 364	
15.	300 Вт	1 450	
16.	500 Вт	1 705	
17.	1 кВт	2 193	8 436
18.	2 кВт	3 017	
19.	2,5 кВт	4 039	9 972
20.	5 кВт	5 806	11 408
21.	10 кВт	8 607	15 764
22.	20 кВт		17 218
<i>Каналы подачи по РРЛ, кабельным линиям и эфирный прием программ ТВ и РВ</i>			
23.	Предоставление канала телевизионного вещания, канал — км/час	12,4	12,4
24.	Эфирный прием систем ТВ	140,7	140,7
<i>Предоставление канализвукового вещания с номинальным диапазоном частот, канал — км / час: от 50 Гц до 10000 Гц</i>			
25.	моно	1,9	1,9
26.	стерео	3,5	3,5
<i>от 50 Гц до 6400 Гц</i>			
27.	моно	1,9	1,9
28.	Выделение программ телевизионного вещания, за 1 час	82	82
29.	Выделение программ звукового вещания, за 1 час	70	70
30.	Коммутация ТВ программ, 1 час коммутации	857	857
31.	Коммутация РВ программ, 1 час коммутации	281	281
32.	Обслуживание кабельных линий, канал — км/час	4,3	4,3
III. Услуги трансляции телевизионных программ с использованием передатчиков цифрового формата			
<i>Передатчики телевизионного изображения цифрового формата мощностью:</i>			
33.	10 Вт	588	706
34.	50 Вт	953	1 145
35.	100 Вт	1 235	1 483
36.	500 Вт	1 759	2 218
37.	1 кВт	1 995	2 394
38.	2 кВт	3 171	3 804
39.	2 кВт		
<i>(цифровое телевидение формата HD)</i>			
40.	2,3 кВт	3 646	4 375
41.	2,5 кВт	4 237	5 085
42.	5 кВт	5 095	6 114
IV. Услуги ретрансляции спутниковых телерадиопередач (аналоговый формат)			
43.	Передающая наземная станция	115 034	-
44.	Спутниковые приемные системы сигналов телевидения и радиовещания (стерео)	279	-
<i>Телевизионные передатчики мощностью:</i>			
45.	10 Вт	550	-
46.	100 Вт	1 454	-
47.	1 кВт	3 581	-
<i>Радиовещательные передатчики FM диапазона мощностью:</i>			
48.	10 Вт	473	-
49.	100 Вт	1 234	-
50.	1 кВт	2 494	-
V. Услуги радиосвязи			
<i>Передатчики мощностью:</i>			
51.	1 кВт	701	-
52.	5 кВт	1 817	-
53.	10 кВт	1 522	-
54.	15 кВт	2 075	-
55.	20 кВт	3 746	-

Пойтахтлик алоқабанкчилар яна биринчи

Шу йилнинг 9—10 июн кунлари Самарқанд шаҳрида ОАТ "Алоқабанк" марказий ва ҳудудий филиаллари аёллар жамоалари ўртасида волейбол мусобақаси ўтказилди.



Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ташкил этилган ушбу мусобақада банкнинг оддий газначиларидан тортиб, бўлим бошқлиқларигача, 18дан 55 ёшгача бўлган жами 120 нафар ходими 13 жамоа таркибига катнашдилар.

Жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб бордилар.

"А" гуруҳи — Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Жиззах;

"В" гуруҳи — Бухоро, Наманган, Навоий;

"С" гуруҳи — Тошкент-1, Самарқанд, Тошкент-2;

"Д" гуруҳи — Фарғона, Қашқадарё, Қорақалпоғистон.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир жамоа ўз маҳоратини тўла намойиш қила олди. Натижада баҳслар кизгин кўриниш олди. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни олган жамоалар чорак финалга чиқибди. Чорак финал ўйинларида куйидаги натижалар кайд этилди:

Сурхондарё — Самарқанд — 0:2

Навоий — Қорақалпоғистон — 2:1

Тошкент-1 — Андижон — 2:0

Фарғона — Бухоро — 2:1.

Ярим финал баҳслари янада кизикarli ўтди. Унда мусобақа мезбонлари ишончли тарзда ғалаба қозонган бўлса, банкнинг марказий офиси ва Фарғона жамоалари ўртасидаги кураш кизгин бўлди. Якунда барибир таъриба ўз сўзини айтди.

Самарқанд — Навоий — 2:0

Тошкент-1 — Фарғона — 2:1.

Шундай қилиб, финалда Самарқанд ва Тошкент-1 жамоалари баҳс олиб борадиган бўлишди. Хал қилувчи ўйинда устулик пойтахтлик банкчилар тарафида бўлди ва ҳисоб ҳам шунга яраша кўриниш олди.

Тошкент-1 — Самарқанд — 2:0.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент-1 жамоаси биринчи погонани уч йилдан буён ҳеч кимга бермай келяпти.

Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Алоқачилар шохсупада

Андижон шаҳрининг Камолот кўчасида турли касб эгаларидан иборат хаваскор велосипедчилар ўртасида веломарафон ўтказилди.

Мазкур тадбирда юзга яқин хаваскор велосипедчилар иштирок этишди. Барча соҳа вакиллари қатори Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхоналар вакиллари ҳам фаоллик кўрсатишди.

Ҳоши-қизлар ўртасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали ходими Зайнабхон Сафарова фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Эркақлар ўртасида Андижон филиали Андижон шаҳар ПАТ хабарчиси Тошпўлат Йўлдошев иккинчи, "Ўзбектелеком" АК Андижон филиали 24-АТС электромонтери Патидин Турсунов фахрли биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Мусобақа ғолибларига Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

"Республика маҳсус алоқа боғламаси" ДУК ҳамда Наманган вилояти маҳсус алоқа боғламаси жамоаси Наманган ВМАБ маҳсус тошприклар бўйича фелдъегери

Темир КАИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



UCG Beeline 2012 саралаш турнирлари:

ҚАЧОН ВА ҚАЕРДА?

Газетамизнинг ўтган сонида компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати UCG Beeline 2012 иштирокчиларини рўйхатга олиш бошланганини маълум қилган эдик. Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, иштирокчиларни рўйхатга олиш минтакавий саралаш турнирлари ўтказиладиган клубларда амалга оширилади. Бошқа шахарлик иштирокчилар editor@infocom.uz электрон почтаси орқали рўйхатга олинади.

Чемпионат расмий ўйинлари:

● Counter Strike 1.6 (жамоали ўйин).

● FIFA 2011.

● Dota AllStars 5x5 (жамоали ўйин).

● NFS Most Wanted.

Минтакавий саралаш турнирлари ўтказиладиган жойлар:

● 23-24 июн кунлари — Бухоро шаҳри (Навоий ва Бухоро вилоятидан геймерлар иштирок этадилар).

а) 23 июн куни соат 9.00 дан GameZone клубида минтакавий саралаш турнирлари ўтказилади, манзил: 6-микрорайон, Фароғий кўчаси, 30-уй рўпарасида. Тел: (8-365) 222-14-72.

Бухоролик иштирокчиларни рўйхатга олиш 2012 йил 22 июнга қадар амалга оширилади.

б) 24 июн куни минтакавий финал "Бухара Палас" меҳмонхонаси катта залида ўтказилади.

● 30 июн — 1 июл кунлари — Самарқанд (Самарқанд ва Жиззах вилояти геймерлари иштирок этадилар).

а) 30 июн куни Discovery интернет-клубида минтакавий саралаш турнири ўтказилади. Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 7. Тел: (8366) 233 -20-22. Самарқандлик иштирокчиларни рўйхатга олиш 2012 йил 29 июнга қадар амалга оширилади.

б) 1 июл куни Академик лицейда минтакавий финал ўтказилади.

● 7-8 июл кунлари — Фарғона (Андижон, Наманган ва Фарғона вилояти геймерлари иштирок этадилар).

а) 7 июл куни Saytex клубида минтакавий саралаш турнири ўтказилади, манзил: Маърифат кўчаси, 49-уй, e-mail: saytex@mail.ru. Тел: (8-3732) 24-12-15, 24-12-16, факс 24-79-59. Иштирокчиларни рўйхатга олиш 2012 йил 6 июлга қадар амалга оширилади.

б) 8 июл куни "Тоғ Маҳал" меҳмонхонасининг зиёфатлар залида минтакавий финал ўтказилади.

● 14-15 июл кунлари — Қарши (Қашқадарё ва Сурхондарёдан геймерлар иштирок этадилар).

а) 14 июл куни Shuxrat.uz клубида минтакавий саралаш турнири ўтказилади, манзил: 4-микрорайон, 10-уй, 2-кават, "Сарбон" кўнгил очиниш маркази. Тел: (375) 275-14-71.

б) 15 июл куни минтакавий финал "Атлант" истироҳат марказида ўтказилади. Тел: (375) 275-14-71.

● 21-22 июл кунлари — Нукус (Қарақалпоғистон ва Хоразм вилояти геймерлари иштирок этадилар).

а) 21 июл куни соат 9.00 да SKYNET клубида минтакавий саралаш турнири ўтказилади, манзил: Нукус шаҳри, 22-микрорайон, "Арзан" озик-овқат дўконининг 2-қавати. Тел: +998 61 506 06 01. Иштирокчиларни рўйхатга олиш 2012 йил 20 июлга қадар амалга оширилади.

б) 22 июл куни "Қирқиз" ресторанининг катта залида минтакавий финал ўтказилади.

● 6-8 август кунлари — Тошкент (Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари геймерлари иштирок этадилар).

а) Counter Strike 1.6 ва NFS Most Wanted ўйинлари баҳслари соат 9.00 да Тошкент шаҳридаги SHOCK клубида ўтказилади. Яланғоч мавзеси. Клуб "Маиший хизматлар уйи" ёнида жойлашган. Мўлжал "Квартал" супермаркети. Клуб телефони: 269-07-02. 2012 йил 3 август кунигача рўйхатга олинади.

б) Dota AllStars 5x5 ва FIFA 2011 ўйинлари бўйича баҳслар соат 9.00 да Chekhov клубида ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 7. Иштирокчиларни рўйхатга олиш 2012 йил 3 августга қадар амалга оширилади.

Иаох:

Dota AllStars 5x5 ва NFS Most Wanted ўйинлари бўйича турнирлар фақат Тошкент шаҳрида (Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги геймерлар учун) ўтказилади. Мазкур ўйинлар бўйича финал 11 август куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройининг бош сахнасида ўтказилади.

Рўйхатдан ўтиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат бўлиши зарур. Ўз маълумотларини: фамилияси, исми, ўйин номи (жамоа номи) ни маълум қилиш зарур. Жамоа сардори бир ўзи жамоа номи ва жамоа аъзолари фамилияси рўйхатини бериб, бутун жамоани рўйхатга қўйиши мумкин.

Бошқа шахарлик (турнирлар ўтказилмайдиган шахарлардан) иштирокчилар editor@infocom.uz электрон почтаси орқали рўйхатдан ўтадилар.

Миллий финал

Чемпионат миллий финал ўйинлари 11 август куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида соат 9.00 дан 18.00 гача (Мустақиллик кўчаси, 2) ўтказилади.

Миллий финал ўйинларида финалга йўлланма олган — минтакавий саралаш турнирларининг ҳар бир ўйини бўйича 8 нафардан ғолиб иштирок этадилар.

Ғолибларни тақдирлаш маросими

Ғолибларни тақдирлаш маросими 12 август куни соат 17.00 да пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ўтказилади.

Евро—2012: гуруҳ баҳслари якунланди

Евро—2012нинг гуруҳ босқичи якунига етди ва чорак финалчилар номи маълум бўлди. Полша, Россия ва Голландиянинг кейинги босқичга чиқа олмагани гуруҳ ўйинларининг қутилмаган натижалари сифатида кайд этилди.

3-тур натижалари

Чехия — Польша — 1:0

Греция — Россия — 1:0

Португалия — Голландия — 2:1

Дания — Германия — 1:2

Италия — Ирландия — 2:0

Хорватия — Испания — 0:1

Англия — Украина — 1:0

Швеция — Франция — 2:0

Шундай қилиб, чорак финалда

куйидаги жамоалар баҳс олиб борадилар:

Чехия :- Португалия

Германия :- Греция

Испания :- Франция

Англия :- Италия




BILIB QO'YGAN YAXSHI

— Мен анчадан бери гипертония касали билан оғриб келаман. Айрим танишларим "Лимонни бежизга "сарик олтин" дейишмайди, у кўпгина касалликларнинг, жумладан, гипертониянинг ҳам давоси. Лимон истеъмол қилгин", дейишди. Шу гап тўғрими? Агар тўғри бўлса, ундан қандай фойдаланиш мумкин, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Хурлико ҚОДИРОВА,
Куйичирчиқ тумани

Лимон дардга давоми?



— Танишларингиз сизга тўғри айтишибди. Лимон ҳақиқатан ҳам турли касалликларни даволашда ишлатилади. "Сарик олтин" дея тўғри таъриф берилган ушбу бебаҳо неъматдан кон босимини туширишда ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин лимон шарбатини оч қоринга ичиш қатъиян ман этилади. Сабаби, бундай ҳолатда меъда-ичак шиллик қаватини яллиғлантириши, шунингдек, доимий қўлланилса, кон босимини меъёрдан анча пасайтириб юбориши мумкин. Бу соғлиқ учун жиддий хавф туздиради. Яъни, кон босими хаддан ортиқ пасайганда бош мия, юрак ва буйрак кон билан тўлиқ таъминланмайди, оқибатда беморнинг ахволи оғирлашади.

Гипертониядан азият чекаётган беморларга куйидаги аралашмадан фойдаланишни таклиф этамиз: икки дона лимоннинг уруғи олиб ташланади. Сўнгра 50 дона ёнғоқ мағзи ва ярим килограмм майиз билан бирга барча маҳсулотлар гўштикмалагичдан ўтказилади. Тайёр бўлган аралашмадан ҳар куни овқатдан сўнг бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

Унутманг, гипертония зўраймаслиги учун бемор асабларининг толиқишига йўл қўймаслик, меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри ташкил эта билиш лозим. Айниқса, асаб тизимини кескин кўзга туви нарсалар — аччиқ чой, хахва, ўткир кимёвий дориворлар, хусусан, ош тузи истеъмолини чеклашлари талаб этилади.

Файрат МУХАТОВ,
шифокор

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Диёнатли инсон қўшнисига яхшилик қилади, чиройли муомалада бўлади. Унинг феълидан, тилидан, амалидан қўшнисига зарар етмайди. Хайр-эхсон, ҳады, садақа бериш ҳам аввало энг яқин қўшнидан бошланади. Ҳовлининг олд томонидан қирқ ховли, орқасидан қирқ ховли, ўнг ва чап томонидан қирқтадан ховли қўшни ҳисобланади.

Куйидагилар қўшничилик бурчлари жумласига кирди:

- кўшни билан учрашганда салом билан сўз бошламоқ;
- гаплашганда гапни чўзмаслик;
- кўп савол бермаслик;
- касал бўлганда қўргани бориш;
- бошига мусибат тушганда ёнида бўлиш;
- севинчли онларида қутлаш, унинг севинчи билан севиниш;
- хатоларини қўрмасликка олиш;
- уйини жосусларча кузатмаслик;
- деворига бир нарсалар қўйиб ёки осиб гашини келтирмаслик;
- унга тегишли жойдан сув олмаслик;
- уйнинг олдига ахлат ва супуринди тўқмаслик;
- ўтиш йўлларини торайтирмаслик;
- бIRON баҳона билан уйига қарамаслик;
- қулоққа чалинган оилавий сирларини ёймаслик;
- керағида, унинг мардлигига тил теккизаётганларнинг сўзини бўлиш;
- ўзи йўқлигида уйини қўриқлаш;
- унга қарши айтилган сўзга қулоқ солмаслик;
- махрамига оид хусусларда кўз юммоқ;
- хизматчисига қарамаслик.

EURO2012 кроссворди

Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

ЭНИГА: 1. 1988 йилги Европа чемпиони. 8. Германия терма жамоаси посбони. 10. Евро беллашувларининг энг нуфузли жамоаси сардори. 11. Италия "А" серияси жамоаси. 12. 2004 йили кутилмаганда ...лар чемпионликини қўлга киритишди. 17. Чехларни ютиб, поляклар билан дураинга имзо чеккан ...ларни греклар Евро-2012ни эрта тарк этишга мажбур қилишди. 18. Хорватия терма жамоаси сардори. 21. 2000 йили Франция терма жамоаси таркибида Европа чемпионлигига эришган ҳужумчи. 23. Хорват дарвозабони. 26. Чехия терма жамоаси бош мураббийи. 28. Хорватлар устози. 29. Евро-2012 "В" гуруҳидан ўрин олган Голландия терма жамоаси 2010 йилги Жаҳон чемпионатида Осенинг бу жамоаси устидан 1:0 ҳисобида устун келган, Дания эса, аксинча, 1:3 ҳисобида мағлубиятга учраганда.

БЎЙИГА: 2. "Мовий дивизия". 3. Шаркий Европа терма жамоаси. 4. Португал ярим ҳимоячиси. 5. Англия ярим ҳимоячиси. 6. Евро-2012 "А" гуруҳи рамиий терма жамоасига киритилган чех футболчиси. 7. Евро-2012 финали бўлиб ўтадиган шаҳар. 9. Голланд футболчиси Найжел де ... 13. "Қизил фурия". 14. Биринчи Европа чемпиони. 15. "Уч шер" жамоаси. 16. "Уч рангилар". 19. Апенинликлар устози. 20. Клуби билан Англия чемпиони бўлган бу футболчи энди Европа чемпионлиги учун ҳаракат қилмоқда. 22. 1992 йилги Европа "сенсация" терма жамоаси. 24. Француз ҳимоячиси. 25. Давозабон ... Касиляс. 26. Французлар бош мураббийи. 27. Инглизлар устози — ... Хожсон.

Газетамизнинг 15 июн, 24-сонида чоп этилган "Ренессанс" кроссворди жавоблари:

ЭНИГА: 1. Бууро. 3. Хасис. 6. Тога. 8. Қалб. 10. Букаламун. 13. Ровий. 16. Амири. 17. Сангаор. 18. Барлос. 19. Карате. 22. Кийиқўт. 24. Катет. 25. Атиги. 29. Ренессанс. 31. Киви. 32. Сулх. 33. Ренш. 34. Гашир.

БЎЙИГА: 1. Буғу. 2. Ребус. 4. "Ардус". 5. "Сааб". 6. "Татра". 7. Аланга. 9. Балик. 11. Диспансер. 12. Амфитеатр. 14. Баходир. 15. Қорақўл. 20. "Пикаса". 21. Яхтак. 23. Сиплох. 26. Дехли. 27. Анапа. 28. Авар. 30. Муҳр.

<p>Xabar МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувои НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100043, Тошкент, Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахрирнинг фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-652 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 16517 нусха.</p>
<p>Видеот муҳбирлари:</p>		<p>Англистонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>
<p>Гулистонда 40-12-19</p>		<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>
<p>Наманганда 232-97-86</p>		<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>
<p>Термизда 224-06-12</p>		<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>
<p>Фарғонада 224-91-56</p>		<p>Қаршида 314-08-99</p>	<p>ISSN 2010-6424 Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>